



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
бўёқ
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 16 май, №105 (3217)

Жума


ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 май куни Оқсаройда Россия Федерациясининг "Андрей Первозванный" жамғармаси Васийлар кенгаши раиси Владимир Якунин раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Давлат, ҳукумат, дин ва сиёсатдан холи бу жамғарма ўн йилдан ортиқ вақт давомида фаолият кўрсатиб келмоқда. У ўз олдига қўйган бош мақсад маънавий ва маданий қадриятларни тиклаш, сақлаш ва бойитишни ҳамда инсон қалбида ўз халқининг тарихи ва маданияти билан узвий боғлиқ маънавий асосларни мустаҳкамлашни тарғиб этиш ва рағбатлантиришдан иборат.

Жамғарма Россиянинг қадим "Андрей Первозванный" орденини қайта таъсис этган ва зикр этилган соҳаларда беқийс хизмат кўрсатган шахсларга уни тақдим этади. Ушбу орден Россия Федерациясининг давлат мукофоти мақомига эга.

Халқаро миқёсда бундай хайрли ишларга катта ҳисса



қўшган шахсларга мазкур орден махсус таъсис этилган "Цивилизациялар мулоқоти" халқаро мукофоти тарзида берилди. Унга ЮНЕСКО Бош директори

Коичиро Мацуура, Эрон Президенти Муҳаммад Хотамий каби арбоблар сазовор бўлган.

Жамғарма Васийлик кенгаши бу йил ушбу муко-

фотни Ўзбекистон Республикаси Президентига топширишга қарор қилди.

Оқсаройдаги учрашув чоғида меҳмон Ислам Каримовга мукофотни тан-

нанали равишда тақдим қилар экан, мамлакатимиз раҳбарининг цивилизациялараро мулоқот ривожига қўшган улкан ҳиссаси, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамфикрликни ривожлантириш борасида юритилган изчил сиёсатини яна бир қарра қайд этди. Ўзбекистон Президентининг ўз қатъияти ва жасорати билан мураккаб давларда ҳам бағрикенглик намойиш этиб, миллатлар, динлараро зиддиятларнинг олдини олгани, кўп миллатли мамлакатимизда барча миллат-эталар вакилларининг тинч-тотув ҳаётини таъминлашдаги хизматлари юксак қадрлигини таъкидлади.

Учрашувда Президент Ислам Каримов Россия Федерациясининг ушбу давлат мукофоти нафақат Ўзбекистон раҳбарининг сайёҳаракатлари, балки Ўзбекистонда бағрикенглик таъминлаш асосида ижтимоий тотувликни мустаҳкамлаш, маданий ва маънавий қадриятларни тиклаш ва бойитиш борасидаги ишларга, умуман, юртимиз маънавий ҳаётида кечаётган жараёнларга берилган баҳо эканлигини таъкидлади.

(У.А.)
Абдувоҳид Тўраев
олган сурат.

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари! Европа Тикланиш ва тараққиёт банки директори Кенгаши ва раҳбарияти номидан Ўзбекистон ҳукумати ЕТБнинг Тошкентда 4-5 май кунлари бўлиб ўтган ўн иккинчи йиллик мажлисини муваффақиятли ташкил этгани учун самимий миннатдорлик билдирмоқчиман. Тадбирнинг барча иштирокчилари Ўзбекистон халқи уларни илқ қўлиб олганини юқори баҳолади. Ушбу ажойиб воқеа арафасида ва унинг ўтишида шахсан фаол иштирок этганлигиниз учун Сизга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб маълум қилмоқчиманки, йиллик мажлисимизнинг ўтишида фаол иштирок этган Ўзбекистонлик ёшларнинг иқтидори ва ғайрат-шижоати менда ва ҳамкасбларимда катта таассурот қолдириди. Биз форумни ташкил этишда ёрдам бериши учун 200 нафар талабани жалб қилдик. Улар бугунги кунда ёш авлод Ўзбекистон келажағига қандай улкан ҳисса қўшаётганини аққол намоеъ этди.

Бу ҳақиқатан ҳам, талай сабабларга қура оламшумул воқеа бўлди. Мазкур тадбир — Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг Марказий Осиёда ўтказилган биринчи йиллик мажлиси. Шу боис Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Грузия Республикалари Президентлари биз билан Тошкентда минтақавий ҳамкорликни яхшилаш йўллари муҳокама этиш учун йиғилгани, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Ошкоралик руҳида ўтган учрашуларда Сизнинг мамлакатингиз ва бутун минтақада амалга оширилаётган сиёсий ҳамда иқтисодий ислохотларнинг асосий масалалари очик-ойдин муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ҳукумати ушбу мажлисга қадар ўз зиммасига олган мажбуриятларга мувофиқ амалга оширган қатор ишлар бутун тадбирларнинг жуда муҳим таркибий қисмига айланди. Бундай далил қадимлар мажлисининг барча иштирокчиларига тадбирда эркин қатнашиш имконини яратдики, бу йиғилишнинг муваффақиятли ўтишига ёрдам берди. Булардан ташқари, фуқаролик жамияти вакиллари билан баҳс ўтказиш имконини бердиган муҳим аҳамиятга эга бўлди. Катта омил бўлди. Йиллик мажлис очилишининг тўғридан-тўғри эфирга узатилиши ва унинг бошланғич тўри оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилиши воқеаларни диққат билан қўзғатиб бораётганлар сонини кенгайтиришга катта аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга, ҳукуматингиз ЕТБ тақлифига мувофиқ, беш давлат раҳбарларига, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Кенгаши ва бошқарувчилари раиси ҳамда президентига минтақавий масалаларни батафсил муҳокама қилиш имконини яратди. Ушбу муҳокама Сиз ташкилотчиларидан бири бўлишига лўфдан розилик берганингиз — банк бошқарувчилари учун уюштирилган қабул маросимида ҳам давом эттирилди.

Шунингдек, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ўзининг барча йиллик мажлисларида амалий ишларга катта эътибор қаратади. Шу боис мен шунчалик буюқ иштирокчи қатнашган ва уларнинг барчасида катта қизиқиш уйғотган Ўзбекистоннинг инвестиция форумида бахонидил иштирок этдим. ЕТБнинг биринчи вице-президенти "Ўзэкспомарказ"да кўргазманинг расмий очилиш маросимида бахонидил иштирок этди. Европа Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ташкил этилган қизгин баҳс-мунозараларга бой дастурлар ҳамда мамлакатлар тақдирининг ўз ичига олган бизнес-форум ҳукумат ва бизнеснинг масъул вакиллари, шунингдек, фуқаролик жамияти вакиллари, шунингдек, ҳақиқатан ҳамда биз иш юритётган давлатлардаги, айниқса, Марказий Осиёдаги ишбилармонлик муҳитини баҳолаш имконини берди.

Айниқса, Тошкентда ЕТБ аъзои ҳисобланган 62 мамлакат ва ташкилотнинг расмий ҳукумат делегациялари билан бир қаторда кўплаб ноҳукумат ташкилотлар, ҳорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари, таниқли бизнесмен ва банкирларни қўриш қўғ қўварнади эди. Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг йиллик мажлисида жами 3000 га яқин киши фаол иштирок этди.

Ишончим комилки, фикр алмашишуви ва учрашулар давомида кечган мунозаралар Сизнинг мамлакатингиз ва бутун Марказий Осиё минтақаси ўтиш жараёнида дуч келётган тақдирларни яхшироқ англашга ёрдам берди. Юксак савияда ташкил этилган кўргазмалар, концертлар, Самарқанд, Бухоро, Хива каби жаҳонга машҳур шаҳарларга уюштирилган сەяхатлар йиллик мажлис иштирокчиларига Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданияти билан яхшироқ танишиш имконини берди.

Сизга маълумки, мажлисга қадар ва мажлис давомида талай муҳим ва мураккаб масалалар кўтарилди. Биз Тошкентда биргаликда эришган муваффақият Ўзбекистоннинг катта иқтисодий салоҳиятини очиб берадиган имкониятлар боришига музокараларни давом эттириш, мамлакатингизда барқарор иқтисодий ҳамда сиёсий тараққиётни қўллаб-қувватлаш асосига айланади. Биз Ўзбекистон ҳукумати билан ушбу вазифаларни амалга ошириш борасида ҳамкорликда ишлашдан умидворимиз. Сиз яхши биласизки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки директорлари Кенгаши ва мен Сиз ҳамда ҳукуматингиз билан биргаликда ЕТБнинг 2003 йилнинг мартада тасдиқланган Ўзбекистонга оид стратегиясида қайд этилган асосий масалаларни кўриб чиқамиз.

Сизга очик ва самарали учрашув, ўзбек халқи бизга кўрсатган меҳмондорлик учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Қамолти эҳтиром билан,
Жан ЛЕМЬЕР,
Европа Тикланиш ва тараққиёт
Банки президенти.

МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК САРИ

ТОШКЕНТ (У.А. мухбири Бобур СОБИРОВ). Россия Федерацияси алоқа йўллари вазирининг биринчи ўринбосари, "Андрей Первозванный" жамғармаси ва Россия Миллий инфотехор маркази Васийлар кенгаши раиси Владимир Якунин раҳбарлигидаги делегация аъ-

лари 15 май куни Ўзбекистон мусулмонлари илорасида бўлди.

1992 йилда ташкил этилган ушбу жамғарма дунё халқлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, "халқ дипломатияси" ёрдамида миллатлар ўртасидаги тотувликни мустаҳкамлаш, диний ва

маданий бағрикенглик тамойиллари тарғиботини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ҳамда Россия диний ва маданий соҳаларда кенг миқёсдаги алоқалар ўрнатгани мамнуний билан таъкидланди. Томонлар икки мамлакатнинг маз-

кур йўналишидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш, халқлар ўртасида ўзаро ҳурмат, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилиши мумкин бўлган янги хайрли тадбирлар юзасидан фикр алмашди.

Шу куни делегация аъзолари Тошкент ислом университетини талаба ва ўқитувчилари билан ҳам учрашди.

публикамизга атипик пневмония хасталигининг кириб келишига қарши ҳамкорликдаги кураш масалаларига қаратилди.

Қўмита раиси, генерал-майор Б.Парпиева республикамизга импорт қилинган жами товарларнинг 80 фоизи темир йўл транспортида келтирилишини таъкидлаб, ушбу йўналишда назоратни кучайтириш нақадар муҳим эканлигини қайд этиб ўтди.

Давлат божхона қўмитаси
матбуот хизмати.

Контрабанда йўлига самарали тўсиқ

Давлат божхона қўмитасида республикамиз темир йўлларида божхона назоратини тақомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тулаганов, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси, Давлат чегараларни ҳимоя қилувчи қўмита раҳбарияти, республика транспорт прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик

хизмати вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда асосий эътибор давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш янқуларини ҳамда 2003 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишда таъкидланганидек, товар-моддий бойликлар контрабандасига қарши курашни кучайтириш ҳамда чегара станциялари ва божхона постларидаги мавжуд камчиликлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 276-сонли Фармойиши асосида рес-

публикамизга атипик пневмония хасталигининг кириб келишига қарши ҳамкорликдаги кураш масалаларига қаратилди.

Қўмита раиси, генерал-майор Б.Парпиева республикамизга импорт қилинган жами товарларнинг 80 фоизи темир йўл транспортида келтирилишини таъкидлаб, ушбу йўналишда назоратни кучайтириш нақадар муҳим эканлигини қайд этиб ўтди.

Давлат божхона қўмитаси
матбуот хизмати.



Урганч (У.А. мухбири Т.ШАМАКОВ). Мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари-2003" республика йўналиши финали бошланишидан олдин Хоразм вилоятида, айтиш мумкинки, муҳим воқеа рўй берди. Бу воқеа нафақат ушбу оммавий мусобақаларни ўтказиш, балки қадимий воқеа болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Мутахассислар ва спортчилар Урганчда олимпиа захираси касб-хунар коллежининг фойдаланишга топширилишини шундай баҳоламоқда.

БОЛАЛАРНИНГ УЛКАН СПОРТ МАЖМУИ



Нисбатан қисқа вақт ичида шаҳарнинг гарбий қисмидаги қарийб 20 гектар майдонда ўқув мажмуи ва лаборатория биналари, 5 минг томошабинга мўлжалланган стадион,

очик ва ёпиқ сузиш ҳавзаси, бокс ва кураш зали, теннис корти, бошқа спорт иншоотлари қад кўтарди. Ешларни жисмоний тарбиялаш ва спортнинг 20 та тури бўйича

энг юқори савияда мусобақалар ўтказиш учун барча шароит яратилган. Янги ўқув йилидан бошлал бу ерда тренерлар ва умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари

жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашди. Коллежда 1050 нафар йигит-қиз спорт бўйича мутахассис бўлди. Бу эса дастлабки лойиҳада қўзда тутилганидан деярли икки баравар кўп.

Бунга коллеж биналари мажмуига бир йил аввал ёнма-ён бунёд этилган спорт гимнастикаси маркази ҳам қўшилгани туфайли эришилди.

Урганчда олимпиа захирали касб-хунар коллежининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар бундай спорт иншоотлари давлатимиз ва шахсан Президент Ислам Каримовнинг ёш авлодини ҳар жиҳатдан соғлом, маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган доимий эътибори намунаси эканини таъкидлади.

Бутун бу ноёб спорт иншоотининг майдонларида ёш гимнастикачилар, сузувчилар, теннисчилар, гандболчилар, энгил атлетикачилар — "Умид ниҳоллари-2003" ўйинларининг бошқа қатнашчилари баҳса киришди. Бошқача айтганда, коллеж йўлақарида бўлуси чемпионлар қадам қўймоқда.

Рўзмет ЖУМАНИЁЗОВ
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти билан чегарадош ҳудудида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

2003 йилнинг 15 майга ўтар кечаси қуролланган жиноятчилар гуруҳи томонидан Қирғизистон Республикаси Жалолобод шаҳри ички ишлар бўлими ва Жалолобод вилояти ички ишлар бошқармаси биналарига ҳужумлар уюштирилган. Бу ҳужумлар натижасида жиноятчилар катта миқдордаги ўқотар қуроллар ва ўқдориларни қўлга киритиб, яширинган.

Ушбу қуролланган жиноий гуруҳ ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг чегарадош ҳудудида вазиятни издан чиқариш хавфини тугдириши мумкин. Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятида катта миқдорда ўқотар қуролларни эгалаб олиш билан боғлиқ содир этилган босқинчилик муносабати билан ҳамда қуролланган жиноий гуруҳларнинг Ўзбекистонга сукулиб киришининг олдини олиш, чегарадош ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиларнинг эҳтиомлда тутилаётган шерикларини аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида:

1. Махсус тезкор гуруҳ ташкил этилсин.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти билан чегарадош ҳудудида хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси тасдиқлансин.
3. Махсус тезкор гуруҳ (Б.Матлубов) жойларга чиққан ҳолда давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуролланган жиноий гуруҳлар сукулиб киришининг олдини олишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин. Шу жумладан:
 - Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегаралари муҳофазасини мустаҳкамлаш, фуқаролар, автомобил ва бошқа транспорт воситаларини ўтказиш пунктларида чегара ва божхона назоратини кучайтириш;
 - жойлардаги фуқаролар-

нинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мақсади ва ҳолатини аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

— чегарадош ҳудудларда паспорт режимини текшириш йўли билан профилактика ва оғоҳлантириш чора-тадбирларини кучайтириш;

— босқинчилик содир этган жиноий гуруҳнинг мамлакат ҳудудидаги эҳтиомлда тутилаётган аъзолари ва шерикларини, шунингдек, Қирғизистон ҳудудидаги жиноий гуруҳлар билан алоқаси бўлиши мумкин бўлган бошқа шахсларни аниқлаш ва зарарсизлантиришга қаратилган тезкор-қидирув чора-тадбирларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2003 йил 15 май.

И. КАРИМОВ

**БЕВОСИТА
МУЛОҚОТ**

**МАҚСАД - ҚОНУН
УСТУВОРАЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ**

Авал хабар қилганимиздек, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари муштарийлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси Мирзоулғубек АБДУСАЛОМОВнинг телефон орқали бевосита мулоқоти бўлиб ўтди.

Унинг баёни билан газетанинг 3-сана-фасида танишасиз.



Бугунги кунда мамлакатимиз ёшлари ҳар бир жабҳада ўзларининг иқтидорларини намойиш этиб, қувонарли натижаларни кўлга киритмоқдалар. Юртимиздан етишиб чиқаётган спортчилар ана шундай авлоднинг олдинги сафида туради, десак, муболага бўлмайди. Зеро, мамлакатимизда Президентимизнинг ташаббуси билан жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилётганлиги туфайли кейинги йилларда бир қанча йирик спорт беллашувлари ўтказилмоқдаки, булар ёшларнинг соғлом бўлиб вояга етишининг кафолатидир. Буни биз «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт ўйинлари мисолида яққол кўриб турибмиз.

рибли. Мазкур турда майдонга тушаётган ҳар бир жамоа ўзининг галабага бўлган иштиёқи, юқори тайёргарлик даражаси билан кўпчиликда яхши таассурот уйғотди. Илк натижалар куйидагича кўриниш олди.

А ва С гуруҳлари:
Наманган-Қорақалпоғистон - 2:1, Хоразм-Қашқадарё - 2:0, Бухоро-Сирдарё - 1:1.

В гуруҳи:
Жиззах-Андижон - 1:0.

Д гуруҳи:
Сурхондарё-Навоий - 0:3. Тошкент вилояти-Самарқанд - 0:0.

Мусобақа дастуридан ўрин олган баскетбол ва волейбол баҳслари ҳам шиддатли кечмоқда. Бу спорт турлари бўйича Хоразмга ташриф буюрган ҳар бир жамоа голиб бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани беллашувларда яққол кўриниб турибди. Ушбу баҳсларда Тошкент шаҳри, Хоразм, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари жамоалари етакчилик қилишмоқда. Спортнинг жамоавий турларида бўлгани каби, теннис, стол теннис, шахмат беллашувлари ҳам ўзининг қизғинлиги билан барчанинг эътиборини жалб этаётти. Дастлабки кунда мазкур турлар бўйича саралаш мусобақалари ўтказилди.

Урганчада қад ростлаган замонавий ва кўркем «Хоразм» спорт мажмуида «Умид ниҳоллари» - 2003-нинг тантанали очилиш маросимидан сўнг спорт турлари бўйича баҳслар бошланиб, қизгин тус олди. Ҳуқуқчилар дастлабки кунданок теннис, қўл тўпи, баскетбол, волейбол, шахмат ва футбол мусобақаларида ўз кучларини синаб кўрдилар.


ЧИНОРЛАРГА АЙЛАНАЁТГАН НИҲОЛЛАР

Урганчдан махсус мухбирларимиз Ойбек РАХИМОВ ва Максуд ЖОНИХОНОВлар хабар қилишади:

Уйинда ўз таслиғини топди. Худди шундай фикрни Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти терма жамоалари ўғил болалар ўйинига нисбатан ҳам билдиришимиз мумкин. Барча жабҳаларда ўз тенгдошларидан устунроқ ҳаракат қилишган тошкентлик ўсмирлар 29:4 ҳисобида галаба қозонишди. Ушбу турда қолган жамоалар қуйидаги натижаларни қайд этишди:

манган - 20:22, Андижон-Жиззах - 32:15, Сирдарё-Қорақалпоғистон - 19:15, Хоразм-Бухоро - 27:10.

Қўл тўпи (қизлар):
Тошкент вилояти-Қорақалпоғистон - 32:16, Сурхондарё-Андижон - 12:5, Самарқанд-Навоий - 12:16, Сирдарё-Хоразм - 11:16, Қашқадарё-Наманган - 6:15.
Хонқа, Богот ва Хива туманларида бўлиб ўтаётган футбол баҳслари рақибларнинг кучлари бир-бирдан қолишмаслиги билан бошқа турлардан ажралиб ту-



СУРАТЛАРДА: мусобақадан лаҳзалар. Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎзА) олган суратлар.



EXPO ITALIA 2003
ТЕХНОЛОГИЯ, АСБОБ-УСКУНА ВА ТАЙЁР МАХСУЛОТЛАР ТЎРТИНЧИ КЎРГАЗМАСИ



Уй-жой ва офислар учун мебель, дизайн, жиҳозлар
UZINTERMEBEL 2003

«ИНТЕРЭКСПО» компанияси (Италия) Италия элчихонаси ва РКСМ «Ўзэкспомарказ» билан ҳамкорликда сизни технология, асбоб-ускуна ва тайёр маҳсулотлар «EXPO ITALIA 2003» тўртинчи кўргазмасига таклиф этади.

Озиқ-овқат ҳамда қурилиш саноати, тошни қайта ишлаш, туризм ва тижорат, терини қайта ишлаш, пойабзал ишлаб чиқариш, тўқимачилик асбоб-ускуналари, шунингдек, узок муддат фойдаланиладиган товарлар, мебель, чойшаб ва кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари.

EXPO ITALIA 2003

Ташкилотчилар: «ИНТЕРЭКСПО» Италиянинг Тошкентдаги элчихонаси билан ҳамкорликда.

Кўргазма доирасида ўтказиладиган тадбирлар:

- 21 май куни «Ўзэкспомарказ»нинг матбуот марказида «Ўзбекистон Республикасининг тўқимачилик саноатига инвестиция киритиш имкониятлари» мавзусида семинар ўтказиш.

Ташкилотчилар: «Интерэкспо» компанияси Тошкент шаҳар тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар палатаси билан ҳамкорликда.

Кўргазмани ўтказиш манзили ва вақти:
2003 йил 20-23 май кунлари, соат 9.00. дан 18.00. гача
«Ўзэкспомарказ» 1-павильони.

Кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар ва технологиялар

Тўқимачилик саноати ва тайёр кийим-кечак тикиш
UZINTEX

Яширин цех фош этилди

Пайариқ тумани солиқчилари туман худудида бир нечта яширин цехлар борлигини аниқладилар. Жумладан, Ал-Бухорий номли ширкат ҳўжалигининг Хўжа Исmoil қишлоғида яшовчи Шавкат Нуралиев ўз уйида ҳеч қандай ҳўжатсиз сеператор аппаратида маҳсулотларни қайта ишлаётган экан.

Белгиланган қонун-қоидаларига риоя қилмагани учун, бу фуқаро 22680 минг сўм маъмурий ва яна шунча миқ-

дорда молиявий жарима тўлайдиган бўлди. «Янгибод» ширкат ҳўжалигида яшовчи фуқаролар Жаҳонгир Қодиров ва Абдували Қобилов эса уйларида яширин мақорон цехи очибди. Улардан анча миқдордаги мақорон далилий ашё сифатида олинди ва ҳар иккаласининг иши чора қўриш учун туман судига оширилди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚ БАНКИ - СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Биз Италия асбоб-ускуналарида кўйиб қўйилган тайёрлаш:

- Пиво, маъданли сув ва мева ичимликлари учун мўлжалланган рангли логотип КРОНЕНТИКНЛАР
- АЛЮМИНИЙ ҚАЛПОҚЧАЛАР «бурама оғиз»

Тел.: (99871) 173-83-43, 137-06-66, 173-93-12.

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 20 май, сешанба куни чиқади.

ТАШКИЛОТ авто ва қишлоқ ҳўжалик машиналари шиналарининг улгуржи ва чакана савдоси билан шугулланади

- Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган.
- Ҳар хил русумли шиналар.
- Энг арзон нарҳда Тошкентдаги омборхонадан.

Маҳсулот Тошкент шаҳрида.
Ташкилотларни вилоят дистрибьютерлигига таклиф қиламиз.
Телефон: (998 712) 132-24-71.
Факс: 132-24-72, 79-28-75, 79-28-77. E-mail: urald@rol.ru

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти

КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИНИ СOTИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОСИ ЎТКАЗИШИНИ ЁЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендерга тақдим этиладиган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ходимлари томонидан 2003 йил 5 июнгача қабул қилинади.

Маълумот олиш учун қуйидаги телефонга мурожаат қилинсин: 138-73-02, факс: 138-73-03. Манзил: Тошкент ш., Ҳомид Олимжон майдони (шарқий томон), 13-«А» уй.

- Ўзбекистон Республикаси ФА Сейсмология институти жамоаси география фанлари доктори, профессор, Беруний мукофоти соҳибдори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, институт илмий маслаҳатчиси
Зиёвуддин АКРОМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг ақинлари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.
- «Ўзбекино» компанияси, Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси жамоалари компания ва бирлашма раиси Мурод Муҳаммад Дуستا укаси
Элмурод ХОЛБОЗОРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
- Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди жамоаси Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбосари Шухрат Рузизаировга волидан муҳтарамаси
НОРБИБИ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
- «Узавтнергозаорат» агентлиги жамоаси агентликнинг Сирдарё бўлими бошлиғи Алишер Шукуровга отаси
Туроб ШУКУРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
- Республика акциядорлик тижорат «Галдабанк» жамоаси банкнинг Амалиётлар бошқармаси ходими Холда Париевага турмуш ўртоғи
БАҲОДИР аканинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардик билдиради.
- «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси жамоаси «Қувасойцемент» акциядорлик жамити бошқаруви раиси
Ғанижон АКРОМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия билдиради.
- Тошкент вилояти ҳўқимлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълим бошқармаси маъмурияти ва касба уюшмаси кўмитаси бошқарма бошлиғининг биринчи муовини Мирзиён Абдуллаевага волидан муҳтарамаси
Илфиза ва АБДУЛЛАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўздэуавто» компанияси «Асака» банки билан биргаликда 2003 йил 1 августга автомобилларни кредитга сотишни бошлади.

Дастлабки бадал автомобиль кийматиининг 60%ини ташкил этади, қолган 40%эса 2 йил давомида йиллик 20%ҳисобга олинган ҳолда тўланади.

Автомобиллар сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда.

«ХАЛҚ СЎЗИ» НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб - «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари - «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Мухиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб - «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қашибегеров (бош муҳаррир ўринбосари - «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтган тартиби № 00001
Буғоятма Г - 428, 29565 муҳалла бошилди, ҳажми - 2 тэбюк, Офсет усулида бошилди.
Қоғаз бичими А-2.
Газета ИВМ компьютеризда таралди ва операторлар Жамшид ТОВАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан сақифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан аниқ материаллар қабул қилинмайдан.
П-Тижорат материалди

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, Навбатчи котиб - А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир - И. Ўтбосаров.
Навбатчи - Х. Эшманов.
Мусасхадчи - В. Остонақулов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 23.50 1 2 3 4 5 6